

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТИ

БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Эгамова Мунира

5140100-Биология таълим йўналиши бўйича бакалавр

даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: ГУЛИСТОН ШАҲРИ МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ ВА
БУТАЛАРИ**

Илмий раҳбар: б.ф.н. Ботирова Л.Б

Гулистон - 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ	
I БОБ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ШАРОИТИ	
1.1. Рельефи ва иқлими.....	
1.2. Тупроқлари ва уларнинг мелиоратив ҳолати.....	
II БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	
2.1. Манзарали ўсимликларнинг аҳамияти.....	
2.2. Манзарали ўсимликларнинг келиб чиқиши.....	
III-БОБ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА МЕТОДЛАРИ	
IV БОБ ГУЛИСТОН ШАҲРИ МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ ВА БУТАЛАРИ	
4.1. Гулистон шаҳар манзарали дарахт ва буталарнинг рўйхати.....	
4.2. Гулистон шаҳар манзарали дарахт ва буталарнинг ботаник тавсифи.....	
4.3. Гулистон шаҳар манзарали дарахт ва буталарнинг таксономик таҳлили....	
ХУЛОСА	
Фойдаланилган адабиётлар	

Кириш

Ер юзида ўсимликлар тури жуда кенг тарқалган. Бу ўсимликларни жазирама чўллардан тортиб, то баланд тоғлар чўққисигача бўлган турли тупроқ ва иқлим шароитида учратиш мумкин.

Инсоният ҳаёти ўсимликлар олами билан узвий боғланган. Барчага маълумки наботот олами инсонни тўйдиради, кийинтиради, ҳавони поклаб беради, сўлим гўшалар яратади, хўжалик ва қурилиш материали бўлиб хизмат қилади, кўзга завқ берадиган гўзал манзара яратади, тупроқни эрозиядан сақлаб намликни ушлаб туради.

Ўсимликлар ер юзасида содир бўладиган жараёнларда жуда катта рол ўйнайди. Яшил ўсимликлар атмосфера ҳавосидаги карбонат ангидрид ва тупроқдаги сувдан фойдаланиб, ёруғлик энергияси ёрдамида органик моддалар ҳосил қилади, бу моддалар ўсимликлар одам ва ҳайвонларнинг ҳаёт кечириши учун база ҳисобланади.

Ўсимликлар ҳавони карбонат ангидриддан тозалайди ва уни тирик организмлар нафас олиши учун зарур бўлган кислород билан бойитади.

Инсоният яшаб турган замин маълум бир даражада турли туман ўсимлик дунёси билан қопланган. Уларнинг барча тирик организмлар учун тутган ўрни ҳам жуда катта. ҳозирги кунда дунё бўйича 500 минга яқин ўсимлик тури мавжуд бўлиб шулардан 8% сув ўсимликлари, 50% дан ортиғи гули ўсимликлар, 27% ни замбуруғлар, қолганлари йўсин ва лишайниклар ҳисобланади.

Гулли ўсимликлар бўлими турларга ниҳоятда бой, ўсимликлар дунёсида улар муҳим ўрин эгаллайди. ҳозирги вақтда гулли ўсимликлар 533 оила, 13 туркум ва у 500000 га яқин турни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда табиий ҳолда ўсадиган юксак ўсимликларнинг 4500, Ўрта Осиёда 8000, Ер юзида эса 500 мингдан ортиқ тури маълум. Кейинги йилларда шаҳримизни кўкаламзорлаштириш сўлим боғ ва хиёбонларни барпо этиш мақсадида турли хил манзарали ўсимлик турлари экилди, шу

боисдан Гулистон шаҳрининг манзарали дарахт ва буталарини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш долзарб муаммолардан биридир.

Тадқиқот мақсади: Гулистон шаҳрида тарқалган манзарали дарахт ва буталарни ўрганиб уларнинг инвентаризациясини (ҳисоб китобини) ўтказишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- Гулистон шаҳрида учровчи манзарали дарахт ва буталаридан гербарий материалларни тўплаш;

- Мавжуд манзарали дарахт ва буталарни токсонамик таҳлил қилиш ва флористик таркибини аниқлаш;

- Аниқланган ўсимликларга ботаник тавсиф бериш;

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, гулистон шаҳрида ўсадиган манзарали дарахт ва буталар илк бор ўрганилди ва ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Битирув малакавий ишнинг хажми. Иш бетдан иборат бўлиб, кириш, 4 боб, хулоса ва тавсиялар, ... та фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 3 та жадвал, .. рангли фотосуратлардан иборат.

II БОБ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАБИЙ-ГЕОГРАФИК ШАРОИТИ

2.1. Рельефи ва иқлими

Сирдарё вилояти Осиё қитъаси кенглик зоналари тизимида, Турон тупроқ-иқлим зонасининг бўз тупроқлар минтақасида жойлашган. Сирдарё вилояти рельефи табиий жиҳатдан жуда кучсиз қияликка эга бўлиб, бу қияликлар шимоли-ғарбга – Арнасой ботиғига ёки Қизилқум томонга қараб йўналган. Бундай қияликлар бироз даражада Шўразак, Сардоба ва Карой чўкмаларида ҳам кузатилади. Қияликнинг жуда кучсизлиги ерости сувлари оқимини ҳам бироз секинлаштиради. Шу сабабли, суғориладиган ва суғорилмайдиган тупроқларда турли даражадаги шўрланишлар учрайди (Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари, 2005).

Сирдарё вилоятининг ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши мўътадил, шунингдек, кунлик ва йиллик ҳарорат ўртасида катта фарқлар сезилади. Вилоятнинг ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $12,9-14,9^{\circ}\text{C}$ атрофида ўзгариб туради. Ҳароратнинг энг юқори кўрсаткичи июн-июл ойларида кузатилиб, бунда ҳаво ҳарорати ўртача $25,4-29,3^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлади. Ҳавонинг энг совуқ кўрсаткичи эса декабр-январ ойларида бўлиб, бунда ҳаво ҳарорати ўртача $-1,8-0,1^{\circ}\text{C}$ га тушиб кетади. Қишда ҳароратнинг пасайиб кетиши Фарғона водийсидан ва шимолдан совуқ ҳаво оқимларининг кириб келиши билан боғлиқдир. Тупроқ ҳарорати (ҳайдов қатламида) қиш (январ) ойларида ўртача $-2,0-0,2^{\circ}\text{C}$ бўлади ва тупроқ юзаси музлайди. Совуқсиз кунларнинг давомийлиги 200-236 кундир. Биринчи совуқ ноябр ойларига, охириги совуқ тушиши феврал ойлари охирига тўғри келади. Сирдарё вилояти кучли шамол ҳаракатлари кесишган ҳудудда жойлашган бўлиб, унга шимолий ва шарқий (Бекобод) шамолларнинг таъсири кучли. Шамолнинг асосий қисми шарқдан кўпроқ эсади ва шамол энг кўп эсадиган мавсум май-июн ойларига тўғри келади. Нисбий ҳаво намлиги баланд эмас, июн-август ойларида ҳаво энг кам намликка эга бўлади. Йиллик ўртача ҳаво намлиги эса 31-48% атрофида. Ёз ойларида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши намликни кўпроқ буғланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида атмосфера ёғинининг йиллик ўртача

меъеридан кўп бўлиб, ҳудудда ёз ойларида қурғоқчиликнинг мавжуд бўлишини кўрсатади (Номозов ва бошқ, 2004; Шуравилин, 1989)

2.2. Тупроқлари ва уларнинг мелиоратив ҳолати

Сирдарё вилоятининг умумий ер майдони маъмурий чегараси ичида 1 январ 2009 йил ҳолати бўйича 427618 гектарга тенг. Вилоятнинг тупроқлари аниқ чегараланмаган қалин лёссимон кумоқлардан ташкил топган. Сирдарёнинг гидрогеологик шароитларида ҳозирги замон тупроқ пайдо бўлишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири сизот сувлари ҳисобланади (Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари, 2005).

Вилоят ҳудудида гидроморф (намчил) ва полугидроморф (ярим намчил) тупроқ пайдо бўлиш шароити устун бўлиб, тупроқ генетик гуруҳлари ичида энг кўп тарқалган бўз-ўтлоқи (умумий ер захирасини 54,3% ни ташкил этади) тупроқлар ҳисобланади. Бўз-ўтлоқи тупроқлар вилоят ер захираларининг энг яхшиси бўлиб ҳисобланиб, вилоят ҳудудининг кўплаб қисмларида тарқалган. Бу типдаги тупроқлар кўпроқ Меҳнатобод, Сардоба ва Ховос туманларида учрайди. Гидроморф тупроқлар ичида тарқалишига кўра иккинчи ўринда ўтлоқи тупроқлар туради. Улар вилоят ер майдонининг 95374 гектарида ёки 22,3% ни эгаллайди. Сирдарё вилоятида бундан ташқари, оч тусли бўз тупроқлар (2796 га, 0,6%), ўтлоқи бўз тупроқлар (44809 га, 10,5%), ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар (8825 га, 2,1%), ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар (283 га, 0,1%) тарқалган (Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари, 2005).

Вилоятда минераллашган ерости сувларининг юзага яқин жойлашганлиги тупроқларда шўрланиш жараёнининг кучайишига ёрдам берган. Тупроқшунослик ва агрохимё институтини ва “Узгеоземкадастр” маълумотларига кўра, Сирдарё вилоятларининг барча ерлари турли даражада шўрланган. Вилоятнинг суғориладиган ерларида турли даражадаги сульфат-хлоридли ва хлорид-сульфатли типдаги шўрланишлар учрайди. Вилоят тупроқларининг турли қатламлари ва қаватларидаги гипслар тупроқнинг сув ўтказувчанлигини ёмонлаштиради, натижада тупроқда сувда эрувчи

тузларнинг ювилишини қийинлаштиради. Кучли гипслаган тупроқлар Меҳнатобод, Сардоба ва Ховос туманларида тарқалган.

Ҳозирги вақтда Мирзачўлнинг Сирдарё вилояти ҳудудининг 89,9% турли даражада шўрланган. Бунда ювилган ва кучсиз шўрланган тупроқлар (умумий ер фондининг 59,9%) кўпроқни ташкил этади. Сайхунобод, Сардоба, Гулистон, Боявут, Оқ олтин ва Сирдарё туманларидаги тупроқларнинг 60-70% дан ортиғи ювилган ва кучсиз шўрланган тупроқлар зиммасига тўғри келади. Агар 1969 йил маълумотлари билан солиштирсак, 30 йил давомида ювилган ва кучсиз шўрланган ерлар (68%) 8% га (59,9%) қисқарган. Ўртача шўрланган ерлар умумий ер фондининг 20,6% эгаллаган. Ўртача шўрланган ерлар 1969 йилга нисбатан 71% га кўпайган. Ҳозир бундай ерлар кўпроқ Гулистон, Мирзаобод, Меҳнатобод ва Ховос туманларида тарқалган. Вилоятда кучли шўрланган ва жуда кучли шўрланган ерлар умумий ер фондининг 9,5% ни эгаллаган. 1969 йил кучли шўрланган ва жуда кучли шўрланган ерлар умумий ер фондининг 14,2% ни эгаллаган эди, аммо ҳозирги вақтда уларнинг қиймати 4,6% га қисқарган. Кучли ва жуда кучли шўрланган ерларнинг бундай қисқарганлиги мелиоратив тадбирларнинг ўтказилганлиги, ерларни ювиш ва вақтлар ўтиши билан вилоят суғориладиган тупроқларининг маданийлашганлиги билан боғлиқ. Кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар Сардоба (21,3%), Меҳнатобод (13,0%) ва Мирзаобод (11,7%) туманларида учрайди (Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари, 2005; Шуравилин, 1989).

II БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1. Manzarali o'simliklarning ahamiyati

Yerda hayotni o'simliklarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Ularning inson, atrof-muhitning sanitar-gigiyenik holatini yaxshilashdagi ahamiyati xilma-xil va judayam kattadir. O'simliklar shamolning kuchini, shovqinni pasaytiradi, issiqlik rejimini boshqarib turadi, havoni turli xil chiqindilar va changdan tozalaydi. Bularning hammasi sog'lomlashtirish ahamiyatiga egadir. Yashil ko'kalamzorlar shahar aholisi va aholi yashaydigan punktlarda dam olish uchun eng yaxshi muhit hisoblanadi. Shahar arxitekturasida ham manzarali o'simliklarning roli katta bo'lib, aholi yashaydigan punktlarda mikroiklimning shakllanishida manzarali o'simliklarning ahamiyati sezilarli darajadadir. Yilning har qaysi faslida havo harorati, yog'in miqdori, havo va tuproqning namligi, shamol rejimi, atmosfera bosimi, havoning ochiqligi – bularning hammasi shu joyning iqlimini tavsiflaydi.

Manzarali o'simliklar faqat estetik ahamiyatga ega bo'lib qolmasdan, balki asab jihatidan ham ahamiyatga egadir. Rang-baranglik, gullarning hidi, barglarning shitirlagan ovozi – bularning hammasi inson kayfiyatiga va asab tizimiga ijobiy ta'sir qiladi.

O'zbekiston iqlimi issiq o'lka ekanligi bois, manzarali o'simliklarsiz aholi uchun qulay sharoit yaratib bo'lmaydi. O'simliklar atrof-muhitning sanitariyagigena holatini yaxshilaydi, shamol kuchini pasaytiradi, shovqinni kamaytiradi, havoni tozalaydi, haroratni mo'tadillashtiradi. O'rtacha kattalikdagi bitta daraxt bir kecha-kunduzda uch kishi uchun zarur bo'lgan kislorod ishlab chiqaradi.

Aholi yashaydigan joylarni ko'kalamzorlashtirish ishlari orasida asosiy o'rinni kvartallar orasidagi ekish ishlari egallaydi. Skver, bolalar sport maydonchalari, maktab atrofidagi maydonchalar, bolalar bog'chalari, binolarga kirish joylaridagi manzarali o'simliklar ekish judayam rivojlangan. Agar oldingi vaqtda qisqa vaqt ichida tez o'suvchi, sharoitimizga mos keladigan turlarni ekib yashil maydonchalarni ko'paytirish masalalari turgan bo'lsa, hozirga kelib esa zamon talabiga qarab yuqori manzarali bargli va ignabargli daraxtlar chiroyli

gullaydigan butalar etishtirilmoqda, ekilmoqda. Shu boisdan manzarali o'simliklar qatoriga kiruvchi spartium o'simligi o'rganildi. Spartium yorug'sevar, namlikka, qurg'oqchilikka, shamolga, sovuqqa, shahar sharoitiga ham chidamli o'simlikdir. Spartium yorug'lik kuchli tushib turadigan issiq joylarni xush ko'radi. U asosan dekorativ o'simlik sifatida o'stiriladi. Spartium doimiy yashil dekorativ illyuziya bag'ishlaydi.

Deyarli hamma mamlakatlarda Botanika bog'lari mavjud bo'lib, bu yerda ma'lum bir aniq sharoitda o'sadigan o'simliklarning assortimentini ishlab chiqadilar. O'simliklarning biologiyasi, ekologiyasi o'rganiladi, yangi nav va turlar yaratiladi. Manzarali bog'dorchilik masalalari o'rganildi

Manzarali bog'dorchilik hozirgi vaqtda xilma-xil o'simlik navlariga ega bo'lib, bular orasida bir yillik, ikki yillik va ko'p yillik o'tsimon gul o'simliklari salmoqli o'rinni egallaydi. Ularning ko'pchiligi o'zining kelib chiqishi jihatidan subtropik va tropik mamlakatlarga mansub bo'lib, bizning mamlakatimizga keltirilib iqlimlashtirilgan.

Manzarali o'simliklarni muvaffaqiyatli o'stirish eng avvalo ularni parvarish qilish uchun qanday sharoit yaratishga, bu sharoit o'simlikning talabiga qanday javob berish va ularning normal o'sishi va rivojlanishining ta'minlanishiga bog'liq.

Manzarali o'simliklar, aksincha turli xil sharoitga juda moslashuvchan bo'ladi va shunga ko'ra ular tashqi sharoit o'zgarishlariga bema'lol bardosh bera oladi. Mana shu xususiyatlari tufayli yangi sharoitga tez moslashadilar, ularni tabiiy o'sish muhitidan tashqari parvarish qilish osonlashadi.

O'zbekistonning sun'iy sug'oriladigan tabiiy sharoiti bu yerda janubiy kenglikdagi, ayniqsa O'rta yer dengizi, subtropik, hatto tropik mamlakatlarga mansub o'simliklarni muvaffaqiyatli o'stirish imkonini beradi. Bu o'simliklarning ba'zi birlari usti yopiq erlarda qishni yaxshi o'tkazsalar, boshqalari esa isitilgan binolarda saqlanib bahorda ochiq yerga o'tkaziladi. Bularning hammasi O'zbekiston tabiiy iqlim va tuproq sharoitida gulchilik ishlari uchun manzarali o'simliklar tanlashga alohida e'tibor berish zarurligini ko'rsatadi.

Shimolning mo'tadil nam va salqin iqlimida ajoyib natija beruvchi ko'pgina manzarali gul o'simliklarni serquyosh O'zbekistonning quruq va jazirama issiq sharoitida yaxshi samara bermaydi. O'zbekiston iqlimi manzarali o'simliklarning bir qancha iqlimlashtirilgan navlarida meva hosil qilish uchun qulay keladi. Lekin bu xildagi o'simliklar uzoq vaqt ochilib turmaydi. Yozda ziynat berish uchun ekiladigan bir yillik o'simliklarning ko'pchiligi esa O'zbekiston sharoitida tez gullaydi, keyin tez meva hosil qilib quriydi. O'zbekistonga oid bo'lgan ortiqcha issiqlik va quruq havo bir qancha o'simliklarning kunduzgi ochilish davomatini qisqartiradi. Shunga ko'ra, kosmeya, no'xatgul, levkoy, nasturtsiya, lobeliya o'simliklari bizning sharoitda to'la samara bermaydi. O'zbekistonning serohak tuprog'ida tez avj oluvchi ko'pgina gullarni bu yerda o'stirishga imkon bermaydi. Shuningdek, O'zbekiston tuprog'i bo'znoch (*gelixrizum maglezii*), ochiladigan butalar (*rododendronlar*) va boshqa ko'pgina o'simliklar uchun mutlaqo yaramaydi. Ayrim o'simliklar harorat va yorug'lik rejimiga nisbatan ancha moslashuvchan va bu omillar u yoki bu tomon o'zgarganda ham manzaraligini saqlagani holda tuproqqa nisbatan ancha talabchan bo'ladilar. Shunga ko'ra ularni muvaffaqiyatli o'stirish ko'pchilik holda yer tanlash va uni ekishga to'g'ri tayyorlash hamda tuproq unumdorligiga bog'liq bo'ladi.

O'rta Osiyoda uchraydigan ko'pgina manzarali o'simliklarning ayrimlari diqqatga sazovordir.

Manzarali o'simliklar faqat estetik ahamiyatga ega bo'lib qolmasdan, balki asab jihatidan ham ahamiyatga egadir. Rang-baranglik, gullarning hidi, barglarning shitirlagan ovozi – bularning hammasi inson kayfiyatiga va asab tizimiga ijobiy ta'sir qiladi.

Manzarali o'simliklar insonning ruhiy holatiga ham yaxshi ta'sir ko'rsatadi. Ikki tomoni daraxt bilan qoplangan yo'llar, daryo va anhor bo'ylarida, bahorgi maysazorlar yoki ko'rkam bog'larda sayr qilish asabni tinchlantiradi, kayfiyatni ko'taradi, ruhiyatga sokinlik baxsh etadi. Daraxtlarning bunday bioenergik xususiyati ayniqsa yomg'ir, momaqaldiraqdan so'ng yanada kuchayadi.

Xalq orasida o'simliklar dunyosi insonga kuchli ta'sir o'tkaza oladigan o'ziga xos quvvatga, g'ayri oddiy kuchga ega ekanligi haqida gaplar yuradi. Keyingi yillarda matbuotda, internet tarmog'ida bu mavzuda turli xil materiallar paydo bo'lmoqda. Jumladan, u yoki bu o'simlikning inson hissiyotiga, ishchanlik qobiliyatiga ta'siri yuzasidan olib borilayotgan kuzatishlar va tadqiqotlar to'g'risida xabarlar tarqatilmoqda.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, o'simliklar – hozirgi sanoatlashuvning kuchayishi va shaharlarning kengayishi davrida yer yuzida hayot kechirish muhitini yaxshilovchi «nafas yo'llari» dir. Insonning atrof muhitga ko'rsatayotgan bosimi tobora ortib borayotganligi, bunga javoban tegishli chora-tadbirlar ko'rish, birinchi navbatda, aholi turar joylarida ekologik muhofazani kuchaytirishni talab etadi.

O'zbekistonda mustaqillik yillaridan keyin shahar va qishloqlarni ko'kalamzorlashtirish reja asosida olib borilmoqda. Bugungi kunda respublikaning ko'kalamzorlashtirish sohasi mutasaddilarining ixtiyorida 200 dan ortiq turdagi o'simliklar mavjud. Ushbu manzarali daraxtlar orasida ko'pchilikka yaxshi tanish bo'lgan turlari ham, nisbatan yangilari ham ko'p.

Ko'kalamzorlashtirish madaniyatining zamonaviy rivojini butalarsiz tasavvur qila olmaymiz.

Yashil o'simliklar shaharlarning arxitektura-landshaft qiyofasida muhim tarkibiy qism hisoblanadi. Daraxtlar, chirmovuqlar, lianalar, gullar, maysazorlar binolar, yo'llar, ko'priklar, suv havzalari bilan bir qatorda, shahar tashqi qiyofasining uzviy qismidir.

Shu boisdan, muhandislik-qurilish ishlari amalga oshirilayotganida loyiha-smeta hujjatlarida bunyod etiladigan binoni chor-atrofi bilan birgalikda ko'kalamzorlashtirish ham ko'zda tutiladi. Yangi korxonalar, turar joylar barpo etish yoki rekonstruktsiya qilishda bu binolar mavjud daraxtzorlarga qay darajada uyg'unlashuvini to'liq baholash, imkoni boricha mavjud daraxtlarni saqlab qolishga intilish lozim.

Keyingi yillarda mamlakatimizning hamma yirik shaharlarida zamonaviy binolarga tutash maydonlarni ko'kalamzorlashtirishda ko'proq alohida manzarali o'simliklar o'tqazilgan katta yashil maysazorlar yaratish rasm bo'lmoqda. Bu tamoyil yirik binolarni ochib berishi bilan to'la o'zini oqlaydi, chunki arxitektura va landshaft uyg'unligini ta'minlash ustivor sanaladi, ko'kalamzorlashtirish esa uni bezovchi vositadir. Bunday majmualar kishining ko'zini quvontiradi.

Alohida qayd etish joizki, yashil o'simliklar sifatida tavsiya etiladigan daraxtlar va butalarning ko'rinishi sinchiklab saralanadi va bunda gap faqatgina o'simliklarning mahalliy tabiiy sharoitga mos kelishida emas. Manzaralilik, parvarishning oddiyliigi, allergogenlik va boshqa jihatlar ham inobatga olinadi. Umuman, O'zbekistonda foydalaniladigan ko'kalamzorlashtirish navlarining butun majmui aholi uchun so'lim mikroiklim hosil qiladi hamda shahar va qishloqlarning tashqi ko'rinishiga chiroy berishga qaratilgan. Ko'chalar va yo'llar chetini ko'kalamzorlashtirish ham alohida e'tibor talab qiladi. Bunday joylarga daraxt o'tkazishda yo'llarning o'ziga xos xususiyatlarini, harakatlanish serqatnovligini, bolalar va davolash muassasalari, turar joy mavzelarining qanchalik yaqinligini inobatga olish zarur. Yashil o'simliklar binolar va boshqa ishlab chiqarish inshootlari bilan birgalikda yaxlit majmuani tashkil etadi. Yodda tutish kerakki, daraxtlar, gullar, maysazorlar haqida g'amxo'rlik qilish, bu – birinchi navbatda, insonlar, o'sib kelayotgan avlod haqida qayg'urish demakdir.

2.2. Manzarali o'simliklarning kelib chiqishi

O'rta Osiyoda bog'-hiyobon san'ati ko'p asrlik tarixga egadir. Eramizdan VI-VII asr oldin Murg'ob, Zarafshon va Amudaryo vodiylarida judayam boy Persid imperiyasining provintsiyalari-So'g'diona, Baqtriya, Xoram kabilar mavjud bo'lib, ular shimoli-g'arbiy Hindiston, Eron, Qashg'ar, Janubi Xitoy bilan qadimdan umumiy savdo yo'li orqali bog'langan. Afsuski, bizga hozirgi kungacha sayohatchilar tomonidan XII asrdan boshlab yozilgan ta'riflariga yetib kelgan. Bunda O'rta Osiyoning sug'oriladigan qismi xuddi gullab turgan bog'lar kabi deb ta'riflanadi.

XIII-asr O'rta Osiyoga tashrif buyurgan Marko Polo shunday deb yozadi:

“Samarqand- g’aroyib bog’lar bilan o’rab olingan buyuk shahar, uni tekisliklar o’rab turadi, turli mevali o’simliklar o’sadi ”. Samarqandning ajoyib bog’lari, saroylari va dala-hovlilari haqida qadimgi arab geografi Ibn-Xaukam eslaydi: “Samarqand So’hi daryosining janubida joylashgan buyuk va ajoyib shahar. Shaharda uy-hovlilar judayam ko’p, hattoki uncha yaxshi bo’lmagan uylarning ham bog’lari, uzumzorlari, favvoralari bo’lgan”. Shahardan tashqaridagi xiyobonlar, qaysiki bizgacha etib kelmagan, judayam chiroyli, ko’rkamligi bilan ajralib turgan. Machit-madrasalar esa qadimgi Samarqandning ko’rki bo’lgan.

Ispan elchisi Klavixo de Gonzales tomonidan ta’riflangan Samarqand bog’larining birining nomi Davlatobod bo’lgan. Bu bog’ning maydoni juda katta bo’lib, u yerda mevali daraxtlar ko’p bo’lgan. Bog’da kiyik va fazanlar ko’paytirilgan. Mevazordan katta uzumzorga chiqish yo’li bo’lgan, bog’da 6 ta suv ombori va qator ariqlar mavjud bo’lgan. Bog’ning yuqori baland qismida judayam ko’p xonali ajoyib, go’zal saroy bo’lgan. Bu balandlik atrofini suv bilan to’la ariq o’rab olgan va 2 ta ko’prik solingan. Qadimgi Samarqandda bundan tashqari yana Jahonnoma, Dilkusho, Bog’ishamol, Chinor nomli bog’lar mavjud bo’lgan. XV-asr oxiri XVI-asrning boshlariga kelib Samarqandda bog’ va xiyobonlarda ekiladigan o’simliklarning assortimenti ko’paya boshlaydi. Darvesh Muxammad Taraxan bog’ida qayrag’och, tuya, kumush rang teraklar ekilgan. Jahonaro bog’ida esa kiparislar, pixta, mojevelnik, majnuntol, chinor, uzum va mevali daraxtlar ekilgan.

XVIII-asrga kelib O’rta Osiyoning boshqa mamlakatlar bilan savdo-sotiq bo’yicha aloqasi yaxshilanib, kengayishi natijasida o’simliklarni introduksiya qilish ham kuchaya borgan. Jamoatchilik bog’larida asosiy ahamiyatni choyxona, machit, madrasalar atrofidagi katta bo’lmagan bog’lar o’ynagan. Machit va madrasalarning ochiq, tosh plitalar yotqizilgan hovlisi bo’lib, unda odatda to’rt burchagiga simmetrik holda ekilgan to’rtta daraxt o’sib turgan. Daraxt va butalarni kesmaganlar. Choyxonalar odatda daraxt soyasi tagida, jildirab oqib turgan ariqlardagi suv ustiga joylashgan bo’lgan. Boshqa aholi yashaydigan punktlar ham yashil shaharlar kabi ta’riflangan. Ayniqsa, bu joylarda uzumzorlar ko’p ekilgan.

Sayohatchilarni Samarqandning chiroyi va boyligi lol qoldirgan bo'lsa ajab emas. Ulug' Vatan urushigacha va undan keyingi davrlarda maxsus ko'kalamzorlashtirish xo'jaliklari barpo etildi. Yildan-yilga aholi yashaydigan joylarda yashil maydonlar kengaymoqda, ularning manzarali sifati yaxshilanmoqda, sanitar-gigiyenik roli oshib bormoqda. Toshkent mehnatkashlari uchun "Rohat", "Baxt", "Toshkent dengizi" kabi dam olish maskanlari tashkil etildi.

III-БОБ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА МЕТОДЛАРИ

Тадқиқот объекти – Гулистон шахрининг манзарали дарахт ва буталари

Тадқиқотлар натижасида гулистон шахрида манзарали та дарахт ва та буталар учраши аниқланди.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда солиштирма-морфологик, систематик, биоморфологик ва номенклатура методлари қўлланилди.

Битирув малакавий ишда ўзимиз йиғган гербарий ҳамда кафедрада мавжуд гербарий материалларидан фойдаланилди. Таксономик текшириш жараёнида Ўзбекистон флораси [], Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи [], ҳамда Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичидан [] фойдаланилди.

Ўсимликларнинг ўзбекча номлари М.Набиев [] тавсияси бўйича берилди.

Ўсимликларнинг ҳаётий шакллар таркибини аниқлашда И.Г.Серебряков [] ишларидан фойдаланилди.

- Гербарий йиғиш, қуритиш ва экеткеткаш умумий қабул қилинган қоидалар бўйича олиб борилди;
- Ўсимлик турларини аниқлаш учун ўзбек ва рус тилида ёзилган аниқлагичлари ва “Флора Узбекистана” 6 томли китобларидан фойдаланилди;
- Турларининг лотинча номлари “Определитель растений Средней Азии” 10 томли китоб, ҳамда Черепанов маълумотлари бўйича берилди;
- Ҳаётий шакллар бўйича ва амалий аҳамияти бўйича гуруҳларга бўлиш учун илмий адабиётлар ва интернет манбаларидан фойдаланилди.

IV БОБ. ГУЛИСТОН ШАҲРИ МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ ВА БУТАЛАРИ

4.1. Гулистон шаҳрида тарқалган дарахт ва буталарнинг рўйхати.

Гулистон шаҳрида тарқалган дарахт ва буталарни ўрганиш асосида қуйидаги жадвал маълумотларини келтирамиз.

4.1.1- жадвал

Гулистон шаҳрида тарқалган дарахт ва буталарни оила, туркум, тур ва ҳаётий шакллари.

№	Оила	Туркум	Тур	ҳаётий шакли
1.	Pinaceae Қарағайдошлар	Pinus- Қарағай	Pinus sylvestris- Оддий қарағай	Дарахт
			Pinus eldarica- Қрим қарағайи	Дарахт
		Picea-Ель	Picea pungens- голубой ель	Дарахт
		Cedrus- Кедр	Cedrus sp-Кедр	Дарахт
2.	Cupressaceae Сарвдошлар	Juniperus -Арча	Juniperus virginiana- Виргин арчаси	Дарахт
		Biota-Савр	Biota orientalis- Савр	Дарахт
		Tuja-Туя	Tuja occidentalis- туя	Дарахт
3.	Magnoliaceae Магнолиядошлар	Liriodendron - Лола дарахти	Liriodendron tulipifer-Лола дарахти	Дарахт
		Magnolia- Магнолия	Magnolia grandiflora- Магнолия	Дарахт
4	Platanaceae Чинордошлар	Platanus- Чинор	Platanus orientalis-Шарқ чинори	Дарахт

5	Rosaceae Ранодошлар	Rosa Наъматак	Rosa canina- Итбурун	Бута
		Rosa -Атиргул	Rosa alba	Бута
			Rosa chinensis	Бута
			Rosa damascena	Бута
			Rosa foetida	Бута
			Rosa multiflora	Бута
Олхўри-Prunus	Prunus pissardi- Манзарали писсарди	Дарахт		
6	Fabaceae Бурчоқдошлар	Gleditchia- Гледичия	Gleditchia triacanthos- Тикан дарахти	Дарахт
		Sorhora - Софора	Sophora japonica-Япон софораси	Дарахт
		Albizzia - Альбиция	Albizzia julibrissin - Шойи альбиция	Дарахт
		Robinia - Оқ акация	Robinia pseudoacacia- Оқ акация	Дарахт
7	Tiliaceae- Жўкадошлар	Tillia- Жўка	Tillia cardata- Юракбарг жўка	Дарахт
8	Malvaceae - Гулхайридошлар	Hibiscus-Ғўзагул	Hibiscus syriacus-Сурия Ғўзагули	Бута
9	Buxaceae - Шамшоддошлар	Buxus -Шамшод	Buxus sempervirens- шамшод	Бута
10	Aceraceae - Зарангдошлар	Acer - Заранг	Acer negundo америка заранги	Дарахт
11	Hippocastanaceae - Сохта каштандошлар	Aesculus - Сохта каштан	Aesculus hippocastanum - Сохта каштан	Дарахт
12	Celastraceae -	Evonymus-	Evonymus japonicas –	Бута

	Бересклетдошлар	Бересклет	япония берескети	
13	Fagaceae – Букдошлар	Quercus –Эман	Quercus castanaeifolia – Эман	Дарахт
14	Oleaceae – Зайтундошлар	Ligustrum - Лигуэтра	Ligustrum vulgare – оддий лигуэструм	Бута
		Fraxinus -Шумтол	Fraxinus pennsylvanica – шумтол	Дарахт
		Syringa -Сирень	Syringa vulgaris- оддий сирень	Бута
15	Bignoniaceae - Бигнониядошлар	Catalpa - Катальпа	Catalpa bignonioides - Бигнониянома катальпа	Дарахт
		Campsis -Кампсис	Campsis radicans- илдиз отувчи кампсис	Бута – лиана
16	Moraceae - Тутдошлар	Maclura -Маклюра	Maclura aurantiaca- Маклюра	Дарахт
17	Ulmaceae - Қайрағочдошлар	Ulmus – Қайрағоч	Ulmus suberosa- Пўккак қайрағоч	Дарахт
18	Salicaceae - Толдошлар	Salix – Тол	Salix alba - Оқ тол	Дарахт
			Salix babylonica- мажнунтол	Дарахт
		Populus -Терак	Populus alba - оқ терак	Дарахт
			Populus nigra- мирза терак	Дарахт
19	Simaroubiaceae - Айлантдошлар	Ailanthus Айлант	Ailanthus altissima Сассиқ дарахт	Дарахт

4.2. Гулистон шаҳар манзарали дарахт ва буталарнинг ботаник тавсифи

Оила- Қарағайдошлар- Pinaceae

Туркум- Қарағай- Pinus

Тур- Оддий қарағай- Pinus silvestrus

Қабила битта қарағайдошлар оиласига эга бўлиб, 10 та туркум ва 250 тага яқин турни ўз ичига олади.

Шимолий Евроосиё ва шимолоий Америкада “Тайга” деб аталадиган ўрмонларни ҳосил қилади. Қарағайдошлар асосан доим яшил қисман баргини тўқувчи дарахт ҳамда айрим ётиб ўсувчи буталардан ташкил топган барглари игнасимон, тангачасимон, ингичка наштарсимон турлича катталиқда. Қарағайдошларнинг барглари асосан кўп йиллик 2-7 йилгача тўқилмайди. Қуббалари айрим жинсли. Эркаклик (чангчи) қуббасидаги микроспорофилларда ў тадан микроспорангий (чангдон) жойлашган. Чанглар шамол ёрдамида тарқалишга мослашган. Урғочи (уруғчи) қуббасининг қоплағич тангача барглари қўлтиғида уруғ тангачалар жойлашган бўлиб, уларнинг юзасида уруғ куртак жойлашган. Уруғлари қанотчали. Қарағайдошлар барча игна барглилар оиласида энг катта оила бўлиб, ер юзида жуда кенг тарқалган.

Қарағайлар бўйи 20-30 метрга етадиган бир уйли доим яшил дарахт. Танаси тўғри тик ўсади, шохлари горизонтал жойлашган. Танаси қалин, тўқ кўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Ёш новдалари сарғиш рангли нина барглари қалин узун (8-15 см) тўқ яшил рангда қатик бўлади. Оддий қарағайнинг меваси (қуббаси) ў чи йили пишади. Қуббасининг узунлиги 6-10 см, эъни 3-4 см кўнғир жигар рангда. Уруғи майда узунлиги 5-6 мм, кўнғир қанотчалари бор. Бу ўсимлик ёввойи ҳолда қримнинг Ялта тоғларида ўсади. Қора қарағай Ўзбекистоннинг бир неча шаҳар ва қишлоқларида узок йиллардан бери маданий ўсимлик сифатида ўстириб келинмоқда.

Қарағай ҳар йили тупроқда ҳам яхши ўсади. Қарағай ёруғсевар тез ўсадиган чидамли бўлади. Уруғидан кўпаяди. Унинг тарқалиши ва ватани

собик СССР ни Европа қисми Скандиновия, Португалия, Испания, Италия ва Югословия.

Оддий қарағайнинг бўйи 15-20 м бўладиган пирамидасимон дарахт. Пўстлоғи қизғиш кўнғир ёки кулранг. Нина барглари 15-25мм, зич жойлашган, ўткир учли. Оддий қарағайнинг ёғочи қурилишда шунингдек смола ва скинидор олишда кўп ишлатилади. (4.2.1-расм)

Ёзда нина барглاردан хушбўй мода чиқиб туради, улар атрофидаги ҳавога тарқалиб одамлар соғлиғига фойдали таъсир этади.

Туркум- Ель -Picea

Тур- Ҳаворанг ель - Picea pungens

Бу туркумнинг турлари 35-50 га яқинлиги адабиётларда қайд этилган. Бу шимол ўсимлиги ҳисобланади. Жуда сарвқомат ўсимлик бўлиб, бўйи 60 хаттоки 90 м гача ҳам бориши мумкин. 500-600 йил умр кўриши мумкин. Барглари кулранг тусга эга, сояга чидамли ўсимлик ҳисобланади.

Туркум- Кедр- Cerdus

Тур- Кедр- Cerdus sp

Жуда мустаҳкам ёғочликка эга ҳисобланади, хатто Саламон шохи ўзининг саройини қуришда Ливанга экспедициялар ташкиллаштирган. Бўйи 25-50 м гача бориши мумкин. Бу туркум вакиллари жуда манзарали ҳисобланади. Сурия ва Ливанда кедр ўрмонзорлари қаттиқ кўриқланади.

Оила- Сарвдошлар- Cupressaceae

Туркум- Арча- juniperus

Тур- Виргин арчаси- juniperus Virginiana.

Оилага 19 та туркум, 130 га яқин тур киради. Улар ҳар иккала ярим шарда ҳам тарқалган. Оила вакиллари бир ёки икки уйли дарахт ва буталар бўлиб, уларда смола гуллар бўлмайди. Барглари нинасимон ёки тангасимон, новдада қарамағқарши ёки халқасимон ўрнашган. Эркаклик куббалари яқка ҳолда бўлиб микроспорафиллари қалқонсимон микроспорангинлари 2-6 та. Эркаклик гамитафити редуцияланган. Урғочи (уруғчи) куббасида қоплагич

тангача барг ва уруғ тангачаси қўшилиб ўсиб биттага айланган, қоплагич тангача барги ёғочланган ёки юмшоқ этли (арчалар) дир.

Арча (*Juniperus*) туркумига 14 та тур киради. Шундан 3 та тури: Зарафшон арчаси (*Z.Zarafshchanica*) ярим шарсимон (*Z.Semiglobosa*) ва Туркистон арчаси. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида тарқалган. Бундан ташқари Виргин арчаси (*Z. Virginia*) манзарали ўсимлик сифатида республикамиз шаҳарларида ўстирилмоқда. Арчалар икки уйли ўсимликдир. Уларда эркаклик (чангчи) куббалари кичик бўлиб микроспорафилларида 2-6 та микроспорангиялар ҳосил бўлади. Уларнинг эркаклик куббалари бир йил дарахтда қиўлаб иккинчи йилнинг баҳорида пишиб етилади.

Виргин арчасининг бўйи 15-30 м гача бўлади. Унинг асли ватани Америка Қўшма Штатларининг шарқий қисмидир. Арча катта хўжалик аҳамиятига эгадир. Баъзи арчаларнинг ёғочи жуда қимматли бўлади.

Урдан қаламлар тайёрланади. Баъзилири дурадгорликда ёки тез чиримайдиган материал сифатида ер ости қурилишларида ишлатилади. Ўта Осиёнинг тоғли минтақаларида арчалар тупроқни ҳимоя қилувчи ҳамда сув сақловчи ўсимлик сифатида катта рол ўйнайди.

Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Арчалар тоғли туманларда эрозияга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга. Улар ўзида фитонцит ажратиши билан ҳавони микроблардан тозалайди. Улардаги эфир мойлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Туркум- Савр -Biota

Тур- Савр - Biota orientalis

Biota orientalis (L.) (Endl.) келади. У бизнинг мамлакатда боғ, парк ва скверларда ўзининг турли туман форма ва навлари билан танилган. Европада у XVI асрда маданийлаштирилган. Бу турнинг йирик вакиллари мавжуд. Ҳаёт дарахти ёки туя дарахтлар орасида узок умр кўрувчи ҳисобланиб, у минг йилгача яшаши мумкин. Кўкаламзорлаштиришда асосан унинг кегелсимон, конуссимон ва бошқа формаларидан фойдаланилади:

Туркум - Туя - Tuja

Тур - Туя - *Tuja occidentalis*

Туя булар қалин шох шаббали, бир уйли дарахт ва бута ўсимликлардир. Барглари тангачасимон, ёруғсевар. Новдалари эса бир оз ялпоқроқ. Табиатда у Хитойда ўсади. 100 йилларча олдин Ўрта Осиёда маданийлаштирилиб кўпайтирилиб келинади.

Оила- Магнолиядошлар- *Magnoliaceae*

Туркум- Лола дарахти- *Liriodendron*

Тур- Лола дарахти- *Liriodendron tulipifera*.

Оила вакиллари дарахт ва буталардан иборат бўлиб, уларнинг 12 туркумга мансуб, 240 га яқин тури мавжуд. Улар асосан Жанубий Шарқий Осиёнинг ва Шимолий Американинг жанубий ғарбидаги ўрмонларда тарқалган. Барглари оддий. Гули тўғри, икки жинсли, гулқўрғон бўлаклари 6-12 ва ундан ҳам кўп. Чангчи ва уруғчилари кўп. Магнолиялар орасида доим яшил ва баргини тўкиб турадиган турлари бор.

Поясида иккиламчи ёғоч мавжуд, лекин трахеа ўрнида трахеидлар бўлади. Жанубий Америкада ўсадиган магнолиялар доим яшил, жанубий осиеда ўсадиганлари баргини тўкади.

Магнолия 30 метрга етадиган дарахт. Гуллари йирик, катталиги 10-25 см га етади. Гулқўрғони 3 қатор бўлиб жойлашган. Гултожи 6-12 та, чангчилари кўп. Магнолияларда уруғ куртак 6 тагача бўлади. Уруғчисида устунча бўлмайди, меваси катта узунлиги 5-7 см.. Бу оилага Лола дарахти ҳам киради. У бўйи 30-40 м ли дарахт.шунинг учун лола дарахти деб ном берилган. Магнолия ва лола дарахт сифатида Ўзбекистонда кўплаб экилади.

Лола дарахти манзарали бўлиши жиҳатидан катта аҳамиятга эга, Магнолиядошлар оиласига киради. Лола дарахтининг танаси тик, силлиқ. Тошкент шароитида бўйи 25 м ва каттароқ бўлади. Шох-шаббаси кенг пирамидал шаклда бўлиб, кейинчалик тухумсимон чўзиқ кўринишга киради. Япроғи Лира шаклида, тўқ яшил рангда, сирти эса ёзда ялтироқ, кузда сарғиш тусга, ҳатто тўқ мала ранга киради. Бу дарахт гуллаганда жуда

чиройли бўлиб кўринади, сарғиш қизил тусда, лола шаклида бўлган йирик гуллари май охирида июнда очилади.

Лола дарахти ҳиёбон ва боғларни хушманзара қилади. Буни мактаб ва кўча четларига қаторғқатор қилиб ҳам экиш мумкин.

Бу дарахт Ўзбекистон шароитларида қиш совуқларига шунингдек ёзда хавонинг курғоқ бўлишига анча чидайди. Бу ўсимлик ёруғсевар бўлиб қолганда кўчириб ўтказишга ярамайди, шунингдек шохғшаббаларни кесиш ва қайчиланишини кўтара олмайди. Бу дарах туруғини экиш йўли билан кўпайтирилади, лекин экилган уруғидан жуда озгинаси кўкариб чиқади. Шунга қарамай, бу дарахтни кўплаб экишга киришиш зарур.

Лола дарахтининг ёғочи яшилсимон сарғиш товланади, хушбўй бўлади, юмшоқ халқ хўжалигида кўп ишлатилади. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон шароитида анча яхши ўсади, 60-70 йил яшайди.

Туркум- Магнолия - *Magnolia*

Тур- Магнолия - *Magnolia grandiflora*

Бу туркум вакиллари доим яшил ёки барги тўкиладиган дарахтлар бўлиб, 20 га яқин турни ўз ичига олади. ***Magnolia grandiflora*** ўсимлиги бизда декоратив ўсимлик сифатида экилади. Бўйи 30 м гача боради, бежирим дарахт. Гуллари икки жинсли, йирик, жуда хушбўй. Ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Оила - Чинордошлар - *Platanaceae*

Туркум- Чинор-*Platanus*

Тур – Шарқ чинори-*Platanus orientalis*

Бу оилага битта туркум, 10 та тур киради. Улар Шимолий Америка, Канада, Мексика, Ўрта ер денгизи бўйлари, ғарбий ҳимолай, ХиндиҲитой, Болқон ярим ороли ва Ўрта Осиёда тарқалган. Бизда битта шарқ чинори ўсади. Чинорнинг ватани Ўрта Осиёда. Чинор манзарали ўсимлик сифатида кўчаларда, боғларда ўзига хос кўрк бериб туради. Чинор сербарг ўсимлик, баргида ён баргчалари бўлади. Куртагидан дастлаб барг чиқади, кейин гулга киради.

Гуллари бир жинсли, чангчи гули сарғиш бошчада, уруғчи гули қизил бошчада ҳосил бўлади. Шамол воситасида чангланади. Чангчилари 3ғ4. баъзан эса 7 тагача етади. Уруғчи гуллари 5ғ9 та мевача баргларнинг кўшилиб ўсишидан ҳосил бўлади.

Чинорлар ў000 йилгача умр кўради, табиатда 500, 1000 йил яшаган чинорлар учрайди. Сурхондарё вилояти бойсун туманига қарашли Сайроб қишлоғидаги чинорнинг танаси ковагида мактаб ташкил этилиб унда болалар таълим олиўган.

Чинор ёғочи қимматли қурилиш материали ҳисобланади, у мустаҳкамлиги жиҳатидан ёнғоқ ёғочидан қолишмайди. Шарқ чинори Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган.

Шарқ чинори (*Platanus orientalis*). Бўйи ў0ғў5 метрга етадиган дарахт. Барглари 3ғ5 бўлакли. Гуллари шарсимон тўпгулга йиғилган, бир жинсли, кўш гулқўрғонли, чангчи гуллари 3ғ8 та уруғчига эга. Меваси ёнғоқ. Апрель ойида гуллаб. Сентябрь-октябрда меваси пишади. Ўаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш учун манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Оила- Ранодошлар- Rosaceae

Туркум- Наъматак- Rosa

Тур- Итбурун наъматак- Rosa canina

Оила 100 та туркумга мансуб 3000 минг дан ортиқ турларини бирлаштиради. Ўзбекистонда 11 туркумга оид 96 тури ўсади. Улар ер юзида жуда кенг тарқалган дарахт, бута ва ўт ўсимликлардан иборат. Кўпчилик турларда гуллари актиноморф, икки жинсли, айрим турларида зимогорф, чангчилари гулкоса ва гултожи баргларга тенг, косача ва гултожи баргларига тенг, косача ва гултож барглари 5 тадан бўлиб жойлашади. Уруғчиси кўп ёки битта. Мевалари турлича: резавор, сохта мева, барчак, ёнғоқ ва бошқалар.

Наъматак Раънодошлар оиласига мансуб, бўйи 1,5-3м, баъзан 6 м га етадиган тиканли бута. Новдалари эгилувчан бўлиб, ялтироқ, қўнғир-қизил ёки қизил-жигарранг пўстлоқ билан қопланган. Барглари тоқ патли мураккаб, 5-7 та тухумсимон, аррасимон қиррали баргчалардан ташкил топган бўлиб,

банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Йирик пушти, қизил, сариқ ёки оқ рангли хушбўй 5 бўлакли гуллари 2-3 тадан шохчаларига жойлашган. Шакли ва ранги турлича, ширали, гул ўрнидан ҳосил бўлган сохта мевага эга.

Апрел-август ойларида гуллайди, меваси июл-октябрда пишади. Наъматак турлари Ўрта Осиёнинг ҳамма республикаларидаги ўрмонларда, текисликларда, тоғ этакларида, куруқ ўтлоқ ён бағирларда, ёнғоқ ва арчазорларда, боғларда ва бошқа ерларда ўсади.

Наъматак турларининг мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатмалар халқ табобатида меъда-ичак касалликларини (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш, ичакнинг юқумли касалликларини) даволаш учун ҳамда бачадондан қон оқишини тўхтатувчи, иситма қолдирувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади.

Итбурун наъматак (*Rosa canina*). Бўйи 3 м гача. Гули оқ ёки пушти, қаттиқ, учи бироз пастга эгилган, туби учбурчак бўлиб йўғонлашган. Барглари 5-7 япроқли, япроқлари оддий ёки 2 карра ўткир тишли, туксиз, узунлиги 15-50 мм. Косачабарглари учбурчаксимон, сиртдагилари қисман патсимон, узунлиги 2-3 см, қалин туклар билан қопланган, меванинг тўлиқ пишиш давригача тўкилиб кетади. Меваси 2-3 см, қизил, этли, тухумсимон ялтироқ. Май-июл ойларида гуллаб, июлғоктябрда мева беради. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмидаги дарё ва сойлар бўйида, боғ, ёнғоқзор ва арчазорларда ўсади.

Наъматак меваси яна организмни қувватлантириш модда алмашинувини яхшилаш, сохта мевалари ичидаги ҳақиқий мевалари-ёнғоқчалари буйрак ва сийдик ҳайдаш учун ишлатилади.

Наъматак турлари мевасидан озиқ-овқат саноатида витаминга бой конфетлар ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади.

Туркум Атиргул -*Rosa* қуйидаги навлари кўплаб экилади. Навлари - *Rosa alba*, *Rosa chinensis*, *Rosa damascene*, *Rosa foetida*, *Rosa multiflora*

Туркум- Олхўри - Prunus

Тур- Манзарали писсарди - *Prunus pissardi*

Манзарали ўсимлик сифатида экилади. Гуллари эрта баҳорда гуллайди жуда хушбўй, Хитой ва Японияда жуда кўп экилади ва омад, бахт келтирувчи ўсимлик деб ҳисоблашади. Барглари ҳам қизғиш рангда бўлади. Гулистон шаҳрида ҳам 2018 йилдан бошлаб кўп жойларга экилди. Барглари оддий қирқилмаган, гуллари оқимтир пушти рангда, гулкўрғон барглари 5 тадан, оталиги 10-20 та. Меваси куруқ ёки серсув данакча.

Оила- Бурчоқдошлар- *Fabaceae*

Туркум- Гледичия- *Gleditchia*

Тур- Тикан дарахт- *Gleditchia friacanthus*

Бурчоқдошлар оиласи энг катта оилалардан бири бўлиб, 650 туркумга мансуб 18000 турни ўз ичига олади. Бу оила вакиллари Ер шарининг ҳамма куруқликларда учрайди. Ўзбекистонда эса 35 туркумга оид 422 тури ўсади.

Тикан дарахти (*Gleditchia friacanthus*). Бу манзарали дарахт дуккакдилар оиласидан бўлиб, бўйи 20-30 м га етади. Бу тез ўсиши, қурғоқчиликка ҳамда ўаҳарнинг ноқулай шароитларига бардош бериши, боғ зарарқунанда ва замбуруғ касалликлари билан оғримаслиги, Ўзбекистон шароитида қиш совуқларидан мутлақо шикастланмаслиги билан ажралиб туради. Гледичия дарахти шох-шаббаси, нафис барглари туфайли жуда кўринишлидир. Япроғи тўқ-қизил, ялтироқ тусини кузгача йўқотмайди. Гули майда, яшилсимон, май-июнда гуллайди. Меваси йирик кўнғир малла тусдаги узун дуккаклардан иборат. Бу дарахт 8-10 ёшга кирганда мева қила бошлайди. Гледичия ҳар қандай тупроқда ўса олади. Қурғоқчиликка чидайдди, ёруғ жойларда тез ўсади. 20-25 ёшлик дарахтининг бўйи 15 м га етади. Бу дарахт уруғидан кўпайтирилади. Бу дарахтнинг ёғочи жуда қаттиқ бўлиб, вагонсозлик ва мебелчилик саноатида ишлатилади. (5-расм)

Туркум- Софора- *Sophora*

Тур- Япон софораси- *Sophora japonica*

Япон софораси (*Sophora japonica*). Бўйи 10 м гача. Ёш новдалари сарғиш-яшил. Барглари тоқ патсимон, тез ўсиши, танаси силлиқ ва текис

япроқлари патсимон жойланиши, сарғиш гулларининг тўда-тўда бўлиб жойланиши, япроғининг кеч тўкилиши, дориворлик хусусияти ва бошқа яхши хислатлари жихатидан оқ акас ва бошқа зот дарахтлардан анча устун туради. Япон сафораси курғокчиликка чидади, заракунандалар билан шикастланмайди. Июнь-июлда гуллайди, меваси чуткасимон дуккакдан иборат, уруғи майда, думалок ва ялтирок. Бу дарахт уруғини экиш йули билан кўпайтирилади.

Ёғочи сарик, узаги кўнғир тусда, қаттиқ ва эластик булади.

Туркум- Альбиция – Albizzio

Тур- Шойи дарахти – Albizzioa julibrissin

Шойи дарахти (*Albizzioa julibrissin*). Буйи 4-5м. Барглари 2 марта патсимон қирқилган, 12-48 см. Гуллари айрим жинсли, шарсимон паллакчага тўпланган. Гултожиси варонкасимон, тожибарглари кенг ханжарсимон, ташқи томондан ипаксимон туклар билан қопланган. Чангчилари пушти, дуккагининг узунлиги 7-15 см, эни 1,5-2,5 см. Июнь-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Туркум- Оқ акация – Robinia

Тур- Оқ акация – Robinia pseudoacacia

Robinia pseudoacacia L. – оқ акация декоратив ўсимлик сифатида ўстирилади. Бу ўсимликнинг илмий номининг биринчи қисми *Robinia* яъни туркум номи Карл Линней томонидан француз ота ва ўғил ботаниклар Жон Робен (1550-1629) ва Веспасиан Робен (1579-1662) лар номига қўйилган. Бу ўсимликни 1601 йили Париж қироллик боғига француз қироли Генрих IV нинг боғбони томонидан келтирилган бўлиб ҳанузгача бу кекса дарахт мавжуддир. У йирик совуққа чидамли баландлиги 20-25 (хатто 30-35м гача етиши мумкин) *Robinia pseudoacacia* НИНГ уруғи ва гуллари таркибида 12 % гача эфир мойлари бўлиб, ундан парфюмерия саъноатида фойдаланилади. Уруғидан эса кофенинг сурагати тайёрланади. Барг ва ёш новдаларидан қорамоллар учун озиқа сифатида ишлатилади. Бундан ташқари баргларида хаво ранг бўёқ олинади, бу бўёқ қимматбаҳо индигони ўрнини боса олади.

Пўстлоғи таркибида 7 % ошловчи моддалар бор, ундан терини ошлашда ва унга сариқ ранг беришда фойдаланилади. Оқ акация гулидан доривор ва хушбўй асал олинади. Асали жуда тиниқ ва тез кристалланмайди.

Оила- Жўкадошлар- Tiliaceae

Туркум- Жўка- Tilia

Тур- Юракбарг жўка- Tilia cardata

Жўка-жўкадошлар (*Tilia cardata*) оиласига мансуб, бўйи 25 м гача етадиган дарахт. Барглари ўткир учли, аррасимон қиррали бўлиб, узун банди ёрдамида шохларида кетма-кет ўрнашган. Хушбўй сариқ 5 бўлакли гуллари 5-11 тадан ярим соябон гул тўпламига жойлашган. Меваси тукли, 5 қиррали ёки шарсимон, майдароқ ёнғоқча.

Июн-июл ойларида гуллайди, меваси август сентябрда етилади.

Гули таркибида 0,05% эфир мойи, витамин С, каротин, силлиқ ошловчи ва бошқа моддалар бор. Халқ табобатида шамоллаш касалликларида терлатувчи, қон оқшини тўхтатувчи восита сифатида қўллинилади. Дамламаси яна йўтални, турли асаб касалликларини ва бош оғриғини даволашда ишлатилади. Иссиқ дамлама билан томоқ оғриганда томоқ чайилади. Юракбарг жўка (*Tilia cardata*). Манзарали дарахт. июнда гуллаб сентябр ойида уруғлайди. Барг бандлари 3-6 см. Япроқларининг бўйи 5-8 см, эни 6-9 см. Тўпгули 3-9 гулли. Тожбарглари оқиш сариқ.

Оила- Гулхайридошлар-Malvaceae

Туркум- Ғўзагул - Hibiscus

Тур- Сурия ғўзагули - Hibiscus syriacus

Бу оилага 85 туркум, 1000 тур киради. Ўзбекистонда 6 туркумга мансуб 17 тури ўсади. Гулхайридошларга ўт, бута ва дарахтлар киради. Барглари оддий, қирқилган, панжасимон. Гуллари икки жинсли, актиноморф, гулкоса ва гултожбарглари 5 тадан. Уруғчиси ва чангчиси чексиз, тугунчаси устки меваси кўп уруғли, кўсакча.

Сурия бўритароғи (*Hibiscus syriacus*). Бута. Бўйи 2-3 м. танаси сершоҳ. Барглари бандли, тескари тухумсимон ёки деярли ромбасимон, уч бўлакли.

Барг бандлари япроқларга нисбатан ўғз марта қисқа. Остки косачабарглар сони 5-10 та. Гултожлари оқ, пушти, қизил ёки сиёҳ рангда, гулкосача баргларга нисбатан 2-3 марта узун. Июнь-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Республикада кўп ўстириладиган манзарали ўсимлик.

Оила- Шамшоддошлар - Buxaceae

Туркум- Шамшод - Buxus

Тур -Шамшод - Buxus sempervirens

Бу туркум вакиллари доимо яшил, барглари қарама-қарши жойлашган, гуллари тожбаргсиз, урғочи гули 3 та гулёнбаргчалар билан ўралган бута ёки дарахтдир. Buxus sempervirens декоратив бута сифатида кўплаб экилади.

Оила- Зарангдошлар – Aceraceae

Туркум- Заранг - Acer

Тур- Америка заранги - Acer negundo

Бу оилага мансуб ўсимликларнинг оддий ёки мураккаб, қарама- қарши жойлашган. Гуллари асосан бир жинсли. Гулкосача ва гултожбарглари 4-5 тадан, чангчиси 8 та. Меваси 2 қанотчали учма мева. Зарангдошлар икки туркумга оид 120 турни бирлаштиради.

Америка заранги бўйи 20 м гача. Шаҳар кўчаларида ўстирилади. Апрель ойида барг ёймасдан олдин гуллайди, августда мева беради. Бу дарахт кўкаламзорлаштириш учун кўп экилади. Тупроқ қатлами қалин, серунум ва ўртача нам ерларда яхши ўсади. Япроғи йирик, дағал 5 бўлаккли, бандига уланган томони юраксимон. Барг ёзиш билан бирга ёки ундан олдин гуллайди. Меваси ясси, ялонғоч, қанотчалари бор. Бу дарахт уруғи бачкилари билан кўпаяди.

Ёғочи пишиқ, қаттиқ, ялтироқ, туси сарғиш ёки қизғиш оқ бўлади. Мебель саноатида ишлатилади.

Оила- Сохтакаштандошлар – Hippocastanaceae

Туркуми- Сохта каштан – Aesculus

Тур- Сохта каштан - Aesculus hippocastanum

Сохтакаштандошлар оиласига мансуб, кўп экиладиган, манзарали дарахт.

Бўйи 20-30 м, диаметри 1 м ва ундан ҳам йўғон булади. Барглари панжасимон мурраккаб, гуллари сариқ ва пушти доғли оқ бўлиб, конуссимон йирик шингиллар ҳосил килади. Меваси сирет, юмалок кўсакча бўлиб, юмшоқ тиканлар билан қопланган. Уруғдан, илдиздан ва илдиз бачкиларидан кўпаяди. Ёғочи юмшоқ ва енгил булиб, фанер тайёрлаш учун ишлатилади. Апрель- май ойларида гуллаб август- сентябрда кўсаклари пишади. Манзарали ўсимлик.

Оила- Бересклетдошлар -Celastraceae

Туркуми- Бересклет – Evonymus

Тур - Япония бересклет – Evonymus japonicas

Бу туркум вакиллари барглари оддий, бутун карама-қарши бўлиб жойлашади. 120 мингдан ортиқ турни ўз ичига олади. Evonymus japonicas барглари оддий, тўқ яшил, этли, тухумсимон четлари тишли бежирим бута. Унга турли шакллар бериб ўстириш мумкин доимий яшил бутадир.

Оила – Эмандошлар - Fagaceae

Туркум - Эман - Quercus

Тур- Эман- Quercus castanaefolia.

Эмандошлар оиласининг 18 туркумга мансуб 900 га яқин турлари бор. Улар асосан баргини тўкадиган ёки доим яшил дарахт ва айрим буталардан иборат. Эманлар асосан Шимолий ярим шарда кенг тарқалган, қисман улар жанубий экваторда ўсади. Эманларнинг кўпчилиги турлари жуда йирик дарахтлар бўлиб, баландлиги 35г40 га етади. Барглари оддий навбатлашиб жойлашган. Гуллари айрим жинсли, гулкўрғори оддий, тугунчаси устки, тўпгули кучала ёки каллакчадан иборат. Меваси бир уруғли ёнғоқча.

Эмандошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг хўжаликдаги аҳамияти жуда катта. Улардан қимматбаҳо ёғоч маҳсулотлари олинади. Пўстлоғи эса ошловчи моддалар тайёрлашда ишлатилади. Эман манзарали ўсимлик сифатида кўплаб экилади. Ўзбекистонда унинг 7 та тури экилади.

Эман дараhtининг бўйи 40-50 м гача етадиган дараht. Шохлари ёрилмаган, кумуш рангли, пояси ёрилган, қўнғир кулранг тусли пўстлок билан қопланган. Барглари тескари тухумсимон, патсимон бўлакли бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, бир уйли ва бир жинсли. Оталиқ гуллари кучалага, оналиги 1-3 тадан бўлиб ёш новдаларда тшпланган. Меваси гулкўрғонининг қолдиғига жойлашган, узун бандли чўзиқ ёнғоқча. Истироҳат боғларида ва кўчаларда манзарали дараht сифатида ўстирилади. Пўстлоғининг қайнатмаси буриштирувчи ва антисептик восита сифатида оғиз бўшлиғи касалликларида томоқ шиллиқ пардаси яллиғланишида, милк қонаганда, оғизда хид пайдо бўлганда оғизни чайиш учун ишлатилади. Баъзан ўтли қайнатмаси терининг куйган жойига ишлатилади.

Оила – Зайтундошлар –Oleaceae

Туркум - Лигустра - *Ligustrum*

Тур- Оддий лигуструм – *Ligustrum vulgare*

Африкада ёввойи ҳолда ўсади. Гули оқ, барглари чўзиқ, тухумсимон. Меваси шарсимон, қора рангли резаворсимон бўлади. Лигуструм ихота. Тирик девор сифатида ўстирилади.

Туркум - Шумтол -*Fraxinus*

Тур- Шумтол – *Fraxinus pensylvanica*

Бўйи 15-20 метрга етадиган дараhtдир. Унинг куртаклари қўнғир рангли, новдалари, барг бандлари тукли. Барглари музраккаб, 5-9 баргчали, уст томони яшил. Кўплаб экилади, ихота қилишга тавсия қилинган.

Туркум - Сирень -*Syringa*

Тур- Оддий сирень- *Syringa vulgaris*

Оддий сирен ёки настарин, йирик бута ёки унча катта бўлмаган, бўйи 5-7 метрга етадиган дараht ўсимлик. Танасидаги пўстлоқларини ранги тўқ жигарранг бўлиб узунасига кетган ёриқлар ҳосил қилади. Янги новдалари эса оч жигарранг тусда бўлади. Одатда шохларини уч қисмида куртаклар бўлмайди. Улар иккита ён куртаклар орасида нобуд бўлиб, шохланган дағал

Ўсимта кўринишида иккита шохлар учудаги куртаклар орасида қолади. Гуллаш даврига келганда асосан новдаларни учки қисмидаги куртакларидан гул куртаклари чиқа бошлайди.

Оила- Бигнониядошлар- Bignoniaceae

Туркум- Кательпа- Catalpa

Тур- Бигнониянамо кательпа- Catalpa bignonioides

Умумий тарқалиши Шимолий Америка. Унинг бўйи 15-20 метрга боради. Барглари новдада навбатлашиб жойлашади. Гуллари сарғиш йўл-йўл ва қизғиш нуқталар билан қопланган, оқ қизил рангларда бўлиб, йирик шингилсимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси ингичка узун кўсак шаклида бўлади. Ўрта Осиё ва Кавказда уруғидан ва қаламчасидан экиб кўпайтирилади. Ёғочи енгил, юмшоқ бўлиб, сувга нисбатан чидамли. Ўз ватани Америкада сув ости иншоотлари қурилишида ишлатилади.

Бигнониянамо кательпа (*Catalpa bignonioides*). Дарахт. Бўйи 6-8 м. Барглари 10-30 см, кенг тухумсимон. Барг бандлари 16 см гача. Гуллари оқ, қайтоқиси 4 см гача. Меваси кўсакча, цилиндрсимон, 20-40 см. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Туркум- Камписис -Campsis

Тур- Илдиз отувчи камписис - Campsis radicans

Ўзбекистонда илдиз отувчи камписис декоратив ўсимлик сифатида экилади. Унинг барглари тоқ патсимон, мураккаб, қарама-қарши жойлашган, гуллари йирик, тўқ қизғиш сарғимтир тусга эга. июндан сентябр ойигача гуллайди. Ватани Америкадир.

Оила- Тутдошлар - Moraceae

Туркум- Маклюра - Maclura

Тур- Маклюра - Maclura aurantiaca

Бу туркум вакилларининг баргларининг четлари текис. Шохлари тиканли, 2 уйли дарахтдир. Меваси йирик апельсинга ўхшайди ва сут шираси бўлади. Оммо еб бўлмайди. Манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Оила- Қарағайдошлар- Ulmaceae

Туркум- Қайрағоч

Тур- Пўккак қайрағоч - *Ulmus suberosa*

Бу туркумнинг 140 га яқин турлари мавжуд бўлиб, Евросиёнинг мўътадил иқлими жойларида, Шимолий Америкада, Осиёнинг тоғли ҳудудларида ва дашт зонасидаги унумдор тупроқли ерларда ўсади. Ўзбекистонда шундан 13 тури учрайди.

Қайрағоч дарахти йирик манзарали дарахтлардан бири бўлиб, қайрағочдошлар оиласига киради. Бўйи Ўзбекистон шароитида 18 метр, тансасининг диаметри 65 см га етади. Бунинг ў тури: шох-шаббаси думалок берест қайрағочи ва шох-шаббаси пирамидасимон кўринишли вяз қайрағочи ўстирилади.

Қайрағоч қурғоқчиликка чидамли, айниқса ёш вақтида тез ўсади. Қирк ёшга кирганда ўсиши секинлашади, лекин 80 ёшга киргунча ўсишдан тўхтамайди. Бу дарахт жуда узоқ яшаб, катта шох-шабба ҳосил қилади. Эрта кўкламда барг ёзмасдан олдин гуллайди. Меваси март-апрелда пишади. Аммо уруғи ўзининг кўкарувчанлигини тез йўқотади. Қайрағоч ҳар қандай ерда ўса олади. Аммо унумдор юмшоқ ерларда нам билан таъминланган бўлса яхши ўсади.

Оила- Толдошлар- *Salicaceae*

Туркум- Тол- *Salix*

Тур- Оқ тол- *Salix alba*

Бу оилага 3 туркумга мансуб 400-420 тур киради. Улар дарё бўйларида, тўқайларда, ариқлар қирғоқларида, сувга сероб жойларда ўсади. Бу оилага мансуб ўсимликлар қишда баргини тўкиб туради. Оиланинг энг кенг тарқалган туркумлари тол (*Salix*) 350-370 турни, терак (*Populus*) 50-60 турни ўз ичига олади. Улар дарахт ва буталардан ташкил топган. Булар орасида мажнунтол, қоратол, тўронғил, кўк терак, қора тераклар бор. Барглари оддий, бутун. Гуллари бир жинсли, икки уйли. Шунингдек гулқўрғони йўқ. Толларда чангчилари 2 та, теракларда 6-40 та, уруғчиси ў та мевачи баргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган.

Оқ тол (*Salix alba*). Бўйи 10-15 м ли дарахт. Барглари йирик, ингичка ланцетсимон, ўткир учли, чети майда арратишли, устки томони тўқ яшил, ости кул ранг, ҳар икала томони тукли. Кучаласи барглари билан бир вақтда ҳосил бўлади. Апрель май ойларида гуллаб уруғлайди. Ёввойи ҳолда дарёлар бўйида ўсади. Манзарали дарахт сифатида кўп экилади. Мажнунтол (*Salix babylonica*). Бўйи 8-10 метрга етади. Барглари ингичка-ланцетсимон, туксиз. Кучаласи (тўпгули) барглardan олдин ҳосил бўлади. Март-май ойларида гуллаб уруғлайди. Тур -Мажнунтол- *Salix babylonica* чиройли эгилган новдалари учун экилади. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

Туркум- Терак- *Populus*

Тур- Оқ терак- *Populus alba*

Терак тез ўсадиган дарахт бўлиб, илдизи чуқур эойлашади, танаси тўғри ва йўғон бўлиб ўсади. Ўрта Осиё шароитида танасининг йўғонлиги 1 м ва каттароқ бўлади. ҳар қандай тупроқли ерларда ўса беради, аммо унумдор тупроқларда жуда яхши ўсади. Япроқ ёзишдан олдин гуллайди, барвақт мева қилади, ҳар йили кўплаб уруғ тугади. Уруғ кўкариш қобилятини узок сақламайди. Яхши етилган бир йиллик новдасидан қаламчалаш йўли билан кўпайтириш мумкин.

Оқ терак (*Populus alba*). Бўйи 10-15 м ли дарахт. Шох-шаббаси ёйиқ ёки пирамидасимон. Барглари 3-5 нотекис бўлақларга бўлинган. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали ва қурилиш материали олинадиган ўсимлик сифатида экилади.

Қора терак (*Populus nigra*). Бўйи 10-15 м ли дарахт. Шох-шаббаси пирамидасимон. Барг банди 2-4 см, барг пластинкаси 4-8 см. март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали ва қурилиш материали олинадиган ўсимлик сифатида кўп экилади. Тур- Мирза терак -*Populus nigra* пирамида шаклидагиси манзарали дарахт сифатида экилади.

Оила- Айлантдошлар- *Simoroubiaceae*

Туркум- Айлант- *Ailanthus*

Тур- Сассиқ дарахт *Ailanthus altissima*.

Айлант дарахти Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Йирик патсимон япроғи ва шох-шаббасининг чиройли кўриниши туфайли бу дарахт хиёбонларга тўда-тўда қилиб, шунингдек кўчма қумларни, жар соҳилларини, канал ва катта ариқ четларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳам ўтказилади. Айлант дарахти йирик бўлиб, бўйи 20 м га етади. Бу дарахт уруғи ва илдиз бачкилари орқали кўпайтирилади. ҳар қандай ерда ўса олади. Бу ўсимликнинг бир ёзда ўсиши 2 м га етади. Гули майда, яшилсимон сариқ бўлиб қалин рўваксимон гулдастада жойланади. Гуллаш вақтида унинг оналиқгули хушбўй хид чиқаради. Бу дарахтнинг ёғочи каттиқ бўлиб, мебел саноатида фойдаланилади.

Айлант дарахти қурғоқчиликка, тупроқнинг шўр бўлишига ҳамда шаҳарнинг чанг-тўзонларига яхши чидаш беради.

Сассиқ дарахт (*Ailanthus altissima*). Бўйи 20-ў5 м. Барглари мураккаб патсимон. 45-60 см, 11-25 жуфт баргчалар ҳосил қилади, ёқимсиз сассиқ хидли. Гуллари икки жинсли. Гулкосабарги 5 та, тожбарги 5-6 та, яшил-сарик, чангчиси 10 та. Меваси бир уруғли 1-6 та қанотли мева. Май ойида гуллаб, июл-августда уруғи етилади. Шаҳар ва қишлоқларда экилади. Уруғидан осон кўпайиб тез ўсади.

4.3. Гулистон шаҳар манзарали дарахт ва буталарнинг таксономик таҳлили

Текшириш ва гербарий материалларини солиштириш, таҳлил қилиш натижасида Гулистон шаҳрида манзарали дарахт ва буталарнинг 40 тури учраши ҳамда уларнинг 31 туркум 19 оилага мансуб эканлиги аниқланди (4.3.1-жадвал).

Келтирилган статистик маълумотлардан равшан бўлдики, Гулистон шаҳри флораси таркибида асосий систематик гуруҳлар (таксонларнинг ўзбекча номлари Ў.Пратов ва Т.Одиловлар[32] томонидан ишланган

тавсиянома асосида берилди) нисбати куйидаги кўрсаткичга эга. Масалан: Қарағайтоифа 17,5 % ни, Магнолиятоифа 82,5 % ни, жумладан Магнолиясимонлар 82,5 % ни (4.3.2-жадвал) ташкил этади.

4.3.1-жадвал.

Гулистон шаҳри манзарали дендрофлорасининг оила тартиби, туркум ва турлари таркиби.

№	Оилалар	Микдори	
		Туркумлар	Турлар
1	2	3	4
Pinophyta - Қарағайтоифа			
Coniferopsida - Қуббадорсимонлар			
1	Cupressaceae	3	3
2	Pinaceae	3	4
Magnoliophyta – Ёпиқуруғтоифа			
Magnoliopsida – Магнолиясимонлар			
3	Magnoliaceae	2	2
4	Platanaceae	1	1
5	Rosaceae	2	7
6	Fabaceae	4	4
7	Tiliaceae	1	1
8	Malvaceae	1	1
9	Buxaceae	1	1
10	Aceraceae	1	1
11	Hippocastanaceae	1	1
12	Celastraceae	1	1
13	Fagaceae	1	1
14	Oleaceae	3	3
15	Bignomiaceae	2	2
16	Moraceae	1	1
17	Ulmaceae	1	1

18	Salicaceae	2	4
19	Simaroubiaceae	1	1
	жами	32	40

4.3.2-жадвал.

Гулистон маданий флораси асосий систематик гуруҳларининг нисбати

Систематик гуруҳлар	Миқдори			Турлар умумий сонига нисбатан % ҳисобида
	Оилалар	Туркумлар	Турлар	
Қарағайтоифа	2	6	7	17,5
Магнолиятоифа, Жумладан: Магнолиясимонлар	17	26	33	82,5
ЖАМИ:	19	32	40	100

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

- Гулистон шаҳрида манзарали дарахт ва буталарнинг 40 тури учраши ҳамда уларнинг 31 туркум 19 оилага мансуб эканлиги аниқланди. Шулардан Қарағайтоифа 17,5 % ни, Магнолиятоифа 82,5 % ни, жумладан Магнолиясимонлар 82,5 % ни ташкил этади.

- Гулистон шаҳрида манзарали дарахт ва буталар ҳаётий шакллариغا нисбатан таҳлил қилинганида 28 та дарахт, 12 та бута ўсимликлар эканлиги аниқланди.

- Гулистон шаҳри маданий флораси таркибида истиқболли манзарали турлар кўпчиликини ташкил. Чиройли манзарали дарахт ва буталардан настарин, атиргул, шойи акация, катальпа кабилар мисол бўлади. Қайд этилган манзарали ўсимликларни нафақат Гулистон шаҳрида, балки вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида экиб, кўпайтиришни тавсия этамиз. Бу ўсимликлар вилоятимиз тупроқ-иқлим шароитига мослашган бўлиб, ортиқча ташвиш талаб этмайди.

- Битирув малакавий иш натижаларидан мактаб, лицей, коллежларнинг биология ва экология фанлари ўқитувчилари, кўкаламзорлаштириш билан шуғулланувчи мутахассисларга ва университетнинг биология таълим йўналиши талабаларига қўшимча маълумот манбаи сифатида фойдаланишларини тавсия этамиз

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ахунов. Х. М. Определитель деверьев и кустарников горных районов Узбекистана. Тошкент 1990 й, 87-бет.
2. Гроздов Б.В. Декоративные кустарники. – Москва, 1964. – С. 134.
3. Дендрология Узбекистана. –Ташкент: Фан, 1973. Т. 5. – С. 3-157.
4. Древесные растения, рекомендуемые для озеленения Москвы. –Москва, 1990. – С. 158.
5. Декоративные растения для озеленения строителств. – Новосибирск, 1986.
6. Зайцев Г.Н. Фенология древесных растений. – М.: Наука, 1981. – С. 101.
7. Методические указания по семеноведению интродуцентов. М.: Наука, 1980. – С. 54.
8. Мустафоев.С., Холмуродов.А. Ўсимликлар биоэкологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
9. Номозов Х.Қ., Шадраймова К.И., Турдиметов Ш.М. Тупрок бонитировкаси. – Тошкент: ЎМЭ, 2004. – 199 б.
10. Номозов Х., Тошпўлатов С., Рўзметов М. Мирзачўл ҳудуди суғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини ошириш йўллари. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. –116 б.
11. Pratorov. O.P., Nabiev. M.M. O'zbekiston yuksak o'simliklarining zamonaviy tizimi. – Toshkent: O'qituvchi, 2007.
12. Саҳобиддинов С.С. Ўсимликлар систематикаси. Гулли ўсимликлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966. – Б. 289- 307.
13. Саҳобиддинов С.С. Қисқача русча-ўзбекча Ботаника терминлари луғати. – Тошкент: Ўқув Пед Давр Нашр, 1954. – Б. 158.
14. Серебряков И.Г. Жизненные формы высших растений и их изучение / Полевая геоботаника. В 5-и т. – М.-Л.: Наука, 1964. Т. 3. – С. 146-202.

15. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари. – Тошкент: Фан, 2005. – 253 б.
16. Зокиров. Қ. З. ва бошқалар. Ботаникадан русча- ўзбекча энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1. Т. 1973.
17. Флора Ўзбекистана. – Ташкент: Акад. Наук УзССР, 1961. в. 6 ти Томах.
18. Қаршибоев.Х.Қ., Ашурметов.О.А. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши темаси юзасидан студентлар илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга доир айрим методик кўрсатмалар. – Тошкент: 1989. – Б. 3-20.
19. Қаршибоев.Х.Қ., Ашурметов.О.А., Қаршибоев.Ж. Х. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга оид айрим методик кўрсатмалар. – Гулистон. 2008. – Б. 20.
20. Қаршибоев.Х.Қ. Биология талим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишларни бажариш ва ҳимоя қилишга оид услубий кўрсатма. – Гулистон. 2009.
21. Раҳимова Т.Т. Ўсимликлар экологияси ва фитоценология. – Тошкент, 2009. – Б. 72.
22. Раҳимова Т. У., Раҳимова Т. Манзарали ўсимликлар. – Тошкент: Ўз. МУ, 1998.
23. Федоров А.А., Артюшенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений. – Л.: Наука, 1990. – С. 204.
24. Хонназаров А.А. Ўрмончилар учун қўлланма Тошкент, 1992. 130 б
25. Жизнь растений. В 6-и т. Т. 5. Часть вторая. – Москва: Просвещение, 1981. – С. 359-361.
26. [Http://www.csd.tamu.edu/FLORA/SC02/sc02011.jpg](http://www.csd.tamu.edu/FLORA/SC02/sc02011.jpg)
27. [Http://members.lycos.nl/ottens123/hpbimg/24-07%20DSC00010.jpg](http://members.lycos.nl/ottens123/hpbimg/24-07%20DSC00010.jpg)
28. [Http://members.yandex.ru](http://members.yandex.ru), ru.wikipedia.org, kiev.ua)

ИЛОВАЛАР



1-расм. Оддий қарағай- *Pinus sylvestris*



2-расм. Қрим қарағайи - *Pinus eldarica*



5-расм. Можевильник - *Juniperus virginiana*



6-расм. Туя - *Thuja occidentalis*



7-расм. Биота - *Biota orientalis*



8-расм. Лола дарахти. *Liriodendron tulipifer*



9-расм. Магнолия- *Magnolia grandiflora*



10-расм. Шарк чинори- *Platanus orientalis*



11-расм Наъматак - *Rosa canina*



15-расм. Манзарали писсарди. *Prunus pissardi*



16-расм. Тикан дарахт. *Gleditchia triacanthos*




17-расм. Япон сафораси. *Sophora japonica*



18-расм. Шойи альбиция- *Albizzia julibrissin*



19-расм. Оқ акация - *Robinia pseudoacacia*



20-расм. Юракбарг жўка - *Tilia cordata*



21-расм. Сурия Гўзагули -*Hibiscus syriacus*



22-расм. Шамшод -*Buxus sempervirens*



23-расм. Америка заранги - *Acer negundo*



24-расм. Сохта каштан- *Aesculus hippocastanum*



25-расм. Япония бресклети – *Evonymus japonicus*



26-расм. Эман – *Quercus castanaeifolia*



27-расм. Оддий лигуструм– *Ligustrum vulgare*



28-расм. Шумтол –*Fraxinus pensylvanica*



29-расм. Оддий сирень - *Syringa vulgaris*



30-расм. Бигнониянома катальпа - *Catalpa bignonioides*



31-расм. Илдиз отувчи кампис -*Campsis radicans*



32-расм. Маклюра -*Maclura aurantiaca*